

Гўзал амал қилганлар учун...



11:00 / 15.07.2021 1724

Ассалому алайкум азиз юртдошим! Бугундан 1442 -ҳижрий сана, Зулҳижжа ойининг ўн кунлиги бошланди. Ибн Аббос розияллоху анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: “Аллоҳ учун ушбу ўн кунликдан қилинадиган солиҳ амаллардан кўра севимлироқ амал йўқдир”, дедилар”.

Имом Бухорий ва бошқалар ривоят қилишган.

Биз Зулҳижжанинг аввалги ўн кунлиги афзал кўрилишидан кўзланган ҳикмат борасида шуни айтамызки, ўша кунларда ҳожилар ҳаж амалларини бажараётган бўладилар, кунларнинг энг улуғи Арафа ва Қурбон ҳайити ҳам айнан шу ўн кунлик ичидадир. Шу сабаб бу вақтда қилинган амаллар Аллоҳ учун энг маҳбуб саналади.

Барчамизга ушбу фазилатли кунлар баракали бўлсин, яхшиликлари ва ичига жойланган савоблари насиб этсин!

Шу кеча-кундузнинг асосий ташвиши ва мавзуси дунё халқларини тобора ўз домига тортиб бораётган, бир тури даф қилингандай кўринса, унданда ўзгача ва ёмонроқ бошқа тур ва шаклда чиқиб келаётган кўринмас вабо - коронавирус балоси бўлиб турибди.

Аллоҳ нажот берсин! Дуолар ижобати ортадиган улуғ кунларда Аллоҳга юзланамиз, гуноҳларимизни мағфират этсин, ҳолларимизга раҳм қилсин! Беморларга шифо берсин!

Нафақат коронавирус, пневмония, балки ундан бошқа кўплаб оғир дардлар ила синалмакда бўлган, касалхоналарда шифтга термулган, бутун вужудила давога муштоқ турган азизларимиз, қардошларимиз ва яқинларимизни дардларига Ўзи комил шифо ато айласин!

Соғлик қадрини беморлардан сўранг, деганларидек камина ҳам шу кунларда камина ҳам бетоблик билан юзлашдим, бир неча кунлар давомида соатлаб тиббий муолажалар қабул қилишга, томирдан укол дорилар олиб ётишга мажбур бўлдим. Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин, дард анча чекинди. Яқинларим қайғуришди, дуода бўлишди, ёнимда ҳамдард бўлишди. “Бемор бўлганимда менга шифо берадиган ҳам Унинг Ўзи”, Шуаро сураси, 80-оят.

Айтмоқчи бўлганим, инсон ўз танида ёки яқин инсони унинг кўз ўнгида хасталик, дардни ҳис этиши билан бутун оламдаги беморларни, уларнинг дардлари ҳис этади, тушунади экан.

Ҳаёт биз ўйлаганда қисқа, бизнинг тасаввуримиздан оз фурсатлардан иборат экан... “Ва Биз унга жон томиридан ҳам яқинмиз”, Қоф сураси, 16 - оят.

Ҳар бир инсон имкон борича олдига қўйган мақсадлари, хайрли режаларини рўёбга чиқаришга, яхши амалларни кўпайтиришга, фарзандларига гўзал тарбия беришга, ота-онасини дуосин олишга, илм олишга, илм беришга, ўзгаларга ёрдам қўлини чўзишга, қисқаси, ўзидан яхши из қолдиришга шошилиши, уриниши керак экан. “Гўзал амал қилганлар учун гўзал савоб ва зиёдалик бордир. Уларнинг юзларини қаролик ҳам, хорлик ҳам қопламас...”. Юнус сураси, 26-оят.

Барчангизга яқинлашиб келаётган Қурбон ҳайити муборак бўлсин, Яратган Аллоҳ улуғ неъматларига муваффақ этсин!

Бобур Аҳмад